

## РАҚАМЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

**Бобаев Исройлжон Абдинабиевич**

Таянч докторант

Наманган Муҳандислик Қурилиш Институти  
Наманган вилояти, Наманган шаҳри

**Аннотация:** Ушбу мақолада Янги Ўзбекистоннинг миллий иқтисодиётини ривожлантиришда рақамлаштиришнинг ўрни, электрон бизнес тушунчаси, унинг 2020-йилдаги Covid-19 Коронавирус пандемияси давридаги рақамли (электрон) бизнеснинг ривожланиш тенденциялари ва унинг тадбиркорлик фаолиятига таъсири, 2022 йил 30 апрель санасида Республикаизда тадбиркорлик фаолияти билан банд бўлган аҳоли ўртасида кичик ва ўрта бизнес учун рақамли трансформатция бўйича ONLINE сўровнома натижасилари, бугунги кундаги тадбиркорлик фаолиятини рақамлаштиришдаги долзарб муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақидаги фикр ва мулоҳазалар атрофлича ёритилган.

**Калит сўзлар:** рақамлаштириш, рақамли иқтисодиёт, рақамли (электрон) бизнес, Covid-19 Коронавирус пандемияси, мобил иловалар, дастурий таъминот, интернетдаги ижтимоий тармоқлар, интернет, электрон савдо, ягона солиқ ставкаси, рақамли банклар, Uzcard, Visa Nimo банк пластик карточкалари, рақамли трансформатция, рақамли инфратизим, блокчейн тизими.

**Аннотация:** В данной статье рассмотрены роль цифровизации в развитии национальной экономики Нового Узбекистана, понятие электронного бизнеса, тенденции его развития цифрового (электронного) бизнеса в период пандемии коронавируса Covid-19 в 2020 году и его влияние на предпринимательскую деятельность, среди населения, осуществляющего предпринимательскую деятельность в нашей Республике, на 30 апреля 2022 освещены результаты ОНЛАЙН-опроса по цифровой трансформации малого и среднего бизнеса, актуальные проблемы цифровизации хозяйственной деятельности на сегодняшний день и пути их преодоления в деталях.

**Ключевые слова:** цифровизация, цифровая экономика, цифровой (электронный) бизнес, пандемия коронавируса Covid-19, мобильные приложения, программное обеспечение, социальные сети в Интернете, интернет, электронная коммерция, ставка единого налога,

цифровые банки, банковские пластиковые карты Uzcard, Visa и Humo, цифровые трансформации, цифровая инфраструктура, система блокчейна.

**Annotation:** This article discusses the role of digitalization in the development of the national economy of New Uzbekistan, the concept of electronic business, the trends in its development of digital (electronic) business during the Covid-19 coronavirus pandemic period in 2020 and its impact on entrepreneurial activity among the population engaged in entrepreneurial activity in our Republic, as of April 30, 2022, the results of the ONLINE survey on the digital transformation of small and medium-sized businesses, current problems of digitalization of economic activity today and ways to overcome them in detail.

**Key words:** digitalization, digital economy, digital (electronic) business, Covid-19 coronavirus pandemic period, mobile applications, software, social networks on the Internet, Internet, e-commerce, single tax rate, digital banks, bank plastic cards Uzcard, Visa and Humo, digital transformation, digital infrastructure, a system of blockchain.

Янги Ўзбекистоннинг миллий иқтисодиётини ривожлантиришда рақамлаштириш мухим аҳамият касб этади. бунда рақамли иқтисодиётни тадбиркорликни ривожлантиришда қўллашимиз биз учун жуда катта имкониятларни яратиб берди. Биз биламизки, рақамли иқтисодиёт бу иқтисодий алоқаларни бевосита рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш тизими ҳисобланади. Мамлакатимизда рақамли иқтисодиёт 2020-йил "COVID-19" Короновирусга қарши Карантин пандемияси шароитида кенг ривожланди. Бу жараёнда аҳолини уйда қолган ҳолда бизнес мнособатларини рақамли технологиялардан фойдаланиши орқали тадбиркорлик субъектларини фойда олдилар, бунга яққол мисол қилиб, Яндекс, Мега Такси каби тадбиркорлик субъектларини Интернет тармоғидаги Телеграмм, Файсебоок, Инстаграмм каби ижтимоий тармоқларга ўз рекламаларини жойлаштириш орқали Интернет тармоғида ишлашга мўлжалланган турли хилдаги Мобил иловаларни яратиб мижозларни жалб этишди. Бунда аҳоли ўз уйларидан чиқмасдан такси автомашинасини буюртма беришди. "КОВИД-19" Короновирусга қарши Карантин пандемияси шароитида Наманган вилоятидаги барча тадбиркорлик субъектларида вақтинча иш тўхтаган, тадбиркорлик субъектларининг ишчи ходимларига уйларига рухсат бериб юборилган, бундай вазиятда тадбиркорлар ўз корхоналарининг

молиявий барқарорлигини бир маромда сақлаб туриш учун ўз фаолиятларини ОНЛАЙН тарзда давом эттиришди. Мұхтарам Президентимиз Шавкат Миromонивич Мирзиёев 2020-йил 20-августда Республика мінистерствоның тадбиркорлар билан очық мұлоқотда тадбиркорларни қийнаётган муаммолар яғни солиқ юкини камайтириш, кредит ставкаларини янада камайтириш ва бошқа муаммоларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқылди. Тадбиркорлар олдида турган солиқ юкини янада камайтириш мақсадида Янги таҳрирдаги Солиқ кодексида Якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларини Ягона солиқ миқдорини 10 % дан 4 % га туширилди. Йирик бизнес субъектлари бўлган Масъулияти чекланган жамиятлар НДС яғни ҚҚС (Қўшилган Қиймат Солиги) ни 20 % дан 15 % га туширилди. Бунинг натижасида барча тадбиркорлик субъектларининг даромади ва молиявий барқарорлиги ошди. Мамлакатимизда экспорт қилувчи корхоналар сони 7,5 мингтага етди, умумий экспорт ҳажми 30 фоиз кўпайди, ўтган бир йил давомида тадбиркорлар томонидан 55 мингдан ортиқ бизнес учун бинолар барпо этилди. Яғни, тадбиркорлар келажакка ишониб, кўчмас мулкка инвестицияларни кўпайтирмоқда. Шунингдек, тушумлари 1 миллион доллардан ошган тадбиркорлик субъектлари сони 5 мингтага ошиб, 26 мингтага етди. Яна 1 минг нафари товар айланмасини 1 миллиондан 10 миллион долларгача етказди. Тадбиркорларимиздан 220 нафарининг тушумлари эса 100 миллион долларга етди. Тадбиркорлар билан очық мұлоқот якунида Мұхтарам Президентимиз томонларидан ҳар йили 20 август санасида Республика мінистерствоның “Тадбиркорлар куни” деб эълон қилинди.

Ҳозирги даврда рақамли иқтисодиёт ва у билан боғлиқ бўлган бир қанча самарадор технологиялар, шу жумладан, электрон тижорат ва электрон бизнес ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда. Ҳудди шунинг учун ҳам, давлат ва жамият тараққиётини янада жадаллаштириш мақсадида, Республика мінистерствоның тадбиркорларни қабул қилди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси президенти 2020 йил 25 январдаги 2020 йил учун энг мухим устивор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам мамлакатимизда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши бўйича ўз фикрларини айтиб ўтди<sup>48</sup>. Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегияси Фармонини ижро этиш борасида,

<sup>48</sup> Euroasian Business of Law, Finance and Applied Science халқаро журналида “Рақамлаштириш орқали бизнесни ривожлантириш” мавзусидаги Хуррамов Холбек Хуррам ўғлининг мақоласи 180 бет


шунингдек, республикамизда рақамли иқтисодиётни давлат бошқарув тизимиға тадбиқ қилиш учун замонавий ахборот технологияларни жадал ривожлантириш бўйича шароитлар яратиш, шунигдек, ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 31 августда рақамли иқтисодиётнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб берадиган “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”

Бугунги кунда, Республикамизда рақамли иқтисодиёт шиддат билан ривожланмоқда. Бу жараён тадбиркорлик фаолиятини юритишда муҳим омил ҳисобланади. Раҳамали бизнесни ривожлантиришда камчилик ва афзалликлар мавжуд. Камчилик томони шундаки, бизнес жараёнларини амалга оширишда интернет тармоғидаги узилишлар салбий таъсир кўрсатади. Чунки, бу каби интернетдаги узилишлар тадбиркорлик жараёнларини тўхтатиб қўяди. Интернет тармоғидаги барча сайtlар, ижтимоий тармоқлар бўлган Telegram, Facebook ва Instagram кабилар ишламай қолади, бунинг натижасида ижтимоий тармоқларда бериладиган реклама постлари ва роликлари вақтинча омма ва мижозлар ҳукмига ҳавола этилмай қолади. Охир оқибат корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматлар сотилмайди, бу эса корхонанинг фойдасини ва даромадини камайишига олиб келади. Афзаллик томони ҳақида фикр юритадиган бўлсак, бунда интернет тармоғи узлуксиз ва барқарор тарзда ишлайди.

Қарор қабул қилди, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3832 03.07.2018-йилдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти қарорларини ҳам шу тадбирлар жумласига киритиш мумкин. Рақамли иқтисод-хўжалик юритишнинг янги замонавий шакли бўлиб, унда ишлаб чиқариш ва бошқаришнинг асосий фактории сифатида рақамли кўринишдаги катта маълумотлар мажмуй ва уларни қайта ишлаш жараёни ҳизмат қилади. Электрон бизнес – бу бизнесни анъанавий турларига нисбатан юқори иқтисодий самарадорликни таъминлаш мақсадида энг илғор ахборот технологиялари ва коммуникация муҳитидан фойдаланишdir. Электрон бизнес – бу Интернет тармоғида янги ахборот ва коммуникация технологияларини қўллашга асосланган савдогина эмас. Унинг таркиби турли бизнес – операцияларининг катта миқдори киради. Электрон бизнес ёрдамида фирма асосий мақсадида

ифодаланган иқтисодий ва молиявий мақсадларга эришиш таъминланади.

Электрон бизнес – бу электрон усулда амалга ошириладиган ишбилиармонлик операцияларининг ҳар қандай шаклларини ўз ичига оладиган умумий концепциядир. Бунда бизнес фаолияти билан шуғулланувчилар бевосита рақамли технологиялар (АҚТ яъни ахборот коммуникацион технологиялар бўлган компьютерлар, ноутбуклар, планшетлар ва уяли телефон каби IT технологиялар) орқали бизнес фаолиятини йўлга қўйиш орқали таваккалчилик эвазига юқори фойда ва даромад олиш, ва бу орқали Янги Ўзбекистоннинг миллий иқтисодиётининг ривожига катта хисса қўшмоқда десак муболага бўлмайди. Биргина мисол, 2022 йил 30 апрель санасида Республикаизда тадбиркорлик фаолияти билан банд бўлган аҳоли ўртасида кичик ва ўрта бизнес учун рақамли трансформатция бўйича ОНЛАЙН сўровнома ўtkazilganда қўйидаги расмда тасвиirlangan фоиз кўрсаткичлари намоён бўлди;



1-расм. Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта бизнес учун рақамли трансформация<sup>49</sup>.

Интернет дастлаб онлайн-витрина каби, кейинроқ эса онлайн-магазин ролида оффлайн-бизнесга қўшимча сифатида кўриб чиқилган

<sup>49</sup><https://www.kpi.com/uz/blog/2022/04/30/raqamli-transformatsiya-biznesingiz-uchun-asosiy-strategiyalar/> интернет сайтидаги Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта бизнес учун рақамли трансформация

вақтлар ўтиб кетди. Ҳаёт саҳнасига янги авлодлар–интернет тармоғида «яшайдиган» ёшлар кириб келиши бизнеснинг онлайн («рақамли») бўлишга олиб келди. Инсоният глобал ўзгаришлар даврига қадам қўйди. Яқин вақтларда инсон ҳаёт фаолиятининг асосий соҳалари – иқтисодиёт ва бошқарув, фан ва ҳавфсизлик бўлган бўлса, энди янгича шакл ва мазмунга эга бўла бошлади. Инсоният ўзгача бўлиб қолди, бу эса ижтимоий муносабатларнинг ўзгаришига олиб келаяпти. Рақамли технологияларнинг ҳаётимизга кириб боришини давом эттириши–келажак дунёсига хос бўлган хусусиятлардан биридир. Бу микроэлектроника, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар соҳаларидағи тараққиёт билан изоҳланади. Шундай қилиб, рақамлаштириш–объектив, муқаррар жараён бўлиб, уни тўхтатишнинг иложи йўқдир. Рақамлаштиришга йўлдош бўладиган энг жиддий ҳавф–хатарлардан бири, ўрта ва паст малакали ихтисосликлар орасида оммавий ишсизлик юзага келиши ҳисобланади. Ўрта синф вакиллари кескин камайиб кетиши мумкин, чунки биринчи навбатда айнан шу иш ўринлари автоматлаштирилади ва улар интеллестуал роботлар билан алмаштирилади<sup>50</sup>. Фаол, маълумотли, меҳнатга лаёқатли аҳолининг етарли даражада юқори турмуш тарзига ўрганиб қолган сезиларли қисми ғарб турмуш тарзи туфайли йўл четига чиқиб қолади. Бироқ рақамли дунё шу қадар тезкорлик билан шаклланадики, юқори малакага эга бўлган кадрлар тайёрлаш жараёнини тезлаштиришгина улар тақчиллигининг олдини олиши мумкин бўлади. Шу сабабли, ҳозирча ким ўзгаришларга тайёр бўлса, бунинг учун унда ҳали етарлича вақт бор. Ижтимоий тармоқлар, смартфонлар бозори, интернетга кенг полосали уланиш, машинали ўқитиш технологиялари ва сунъий интеллектнинг «портлаб» ўсиши компаниялар фаолият юритаётган дунёни ўзгартириб юборади. Улар ёки янги бозордаги бўш жойларни эгаллашлари ёки мавжуд бўш ўринларни ўзгартирган ҳолда ўзларини ўзгаришларга мослаб олиши лозим бўлади. Ташкилотларни рақамли ўзгартириш жараёни – янги ахборот технологияларининг ривожланиши ва бутун дунё бўйлаб фаол тарқалишига жавоб ҳисобланади. Рақамли ўзгартириш турли даражаларга эришиб, улар ўртасидаги фарқ иккита атама - «рақамли кўринишга көлтириш» ва «рақамлаштириш» ўртасидагифарқ билан бир хил маънога эга бўлади. Рақамли кўринишга көлтириш бу – ахборотни жисмоний воситалардан рақамли воситаларга ўтказишдир. Рақамли кўринишга көлтиришга

<sup>50</sup> Euroasian Business of Law, Finance and Applied Science халқаро журналида “Рақамлаштириш орқали бизнесни ривожлантириш” мавзусидаги Хуррамов Холбек Хуррам ўғлининг мақоласи 181 бет

мисоллар—электрон китоблар, видеокурслар, суратнинграқамли нусхасини яратиш ва бошқалар. Бунда ахборот структурасининг ўзгариши рўй бермайди: у фақат электрон шаклга эга бўлади, холос. Рақамли кўринишга келтириш кўпинча мавжуд бизнес-моделни такомиллаштириш ва бизнес жараёнларни оптималлаштириш учун фойдаланилади. Рақамлаштириш эса рақамли шаклда бўлган бутунлай янги маҳсулотлар яратишидир. Рақамлаштириш асосида яратилган маҳсулотни унинг сифатини жиддий йўқотмасдан туриб, техник воситаларга ўтказишнинг имконийўқ, шу сабабли рақамлаштириш, рақамли кўринишга келтиришдан фарқли равишда, бизнесга сезиравли даражада кескин ривожланиш ва янги рақобатли устунликлар қўлга киритишга имкон беради. Рақамли (электрон) иқтисодиёт ҳамда электрон тижорат бу – ахборот, жумладан, шахсий ахборотдан фойдаланиш ҳисобига барча қатнашчиларнинг эҳтиёжларини максимал даражада қондириш ўзига хос хусусияти бўлган иқтисодиёт туридир. Бу иқтисодиёт ахборот-коммуникация ва молия технологияларининг ривожланганлиги, шунингдек, биргаликда гибрид дунёда барча иқтисодий фаолият субъектлари –товарлар ва ҳизматлар яратиш, тақсимлаш, айирбошлиш ва истеъмол қилиш жараёни объектлари ва субъектларининг тўлақонли ўзаро алоқа қилиш имкониятини таъминлайдиган инфратузилма очиқлиги туфайли мавжуд бўлиши мумкин. Тўлақонли ўзаро алоқа қилиш учун барчай қтисодиёт обьектлари ва субъектлари сезиларли рақамли таркибий қисмларга эга бўлишлари лозим. Масалан, ҳозирги пайтда автомобилининг истеъмол хусусиятлари ва ҳавфсизлик кўрсаткичлари унинг ҳисобига сезиларли даражада яхшиланадиган рақамли таркибий қисмлари (дастурий таъминот ва датчиклар) автомобил қийматининг ярмидан кўпини ташкил қиласди. Келажакда кўплаб товарлар ва ҳизматлар қийматининг сезилари қисми унинг рақамли таркибий қисми билан белгиланади. Бундай товарлар “ақлли” буюмлар деб аталади. Рақамлаштиришда маҳсулот ёки хизматларнинг асосий хусусиятлари жиддий яхшиланиши ёки янги хусусиятлар (овоз билан бошқариш, интернет ёки мобил телефондан туриб масофадан бошқариш кабилар) пайдо бўлиши лозим. Яъни эндиликда бутун дунёдаги тадбиркорлар банк пластик карточкалари ва банқдаги ҳисоб рақамлари орқали молиявий ресурс маблағларини масофавий тарзда банкларнинг мобил иловалари орқали бошқариш имконияти пайдо бўлди. Ҳозирги кунда Республикаизда фаолият юритаётган барча тижорат банкларининг мижозлари Uzcard, Humo, Visa банк

пластик карточкаларидан фойдаланишмоқда. Бу фойдаланиш жараёни жуда ҳам қулай ва анча ҳавфсиз бўлиб, тадбиркорларга банк пластик карточкаларида ўз пул маблағларини сақлаш, тўловларни амалга ошириш (бюджетга тўловлар, коммунал тўловлар, кредитни сўндириш учун тўловлар, солиқ тўловлари, таълимда контрактга тўловлар), валюта айрибошлиш, омонат каби рақамли банк хизматларини тақдим этмоқда. Бугунги кунда Республикаизда учта рақамли банклар фаолият кўрсатишмоқда. Булар қуйидагилар: 1. TBC Bank 2. Anor Bank 3. Apelsin Bank. Тадбиркорларга ўз бизнесларини масофадан туриб бошлишлари учун ушбу рақамли банклар жуда катта ёрдам бермоқда. Чунки, кўпчилик Республикаиз ҳудудининг чекка-чекка қишлоқларида бизнесни бошлаган тадбиркорларни масофадан туриб рақамли банк билан молиявий жараёнларни ва тезкор банк хизматларини амалга ошириш мақсадида кредит, омонат, ҳисоб варақ ва ҳисоб рақам очиш, барча тўловларни амалга ошириш, Visa, Uzcard ҳамда Nitro банк пластик карточкалари билан амалга ошириладиган барча молиявий операцияларни фойдаланишга кенг имкониятлар яратиб бермоқда.

Рақамли иқтисодиётда иштирок этиш учун энг оддий шартлар – уяли алоқа телефони ва интернетга уланиш имконияти етарли болади. Юқорида таъкидлаганимиздек, блокчейн технологияси ҳар бир кишига иқтисодий мұносабатлар қатнашчиси бўлиш имконини берадиган бизнес-моделлар яратишга имкон беради.



## 2-расм. Блокчейн тизимида самарали фойдаланиш мумкин бўлган соҳалар

Блокчейн компания яратишнинг учта таркибий қисми бор – уни ташкил қилиш, молиялаштириш ва уни бозорда илгари сурини автоматлаштириш, соддалаштириш ва сезиларли даражада такомиллаштириш. Келажакда бундай компанияни ташкил қилиш қиймати сезиларли даражада пасаяди, чунки блокчейн-корхонани рўйхатдан ўтказишнинг машҳур ва ишончли усули ҳисобланади. Мулк ҳамма учун кўринарли, қайдларюритиш эса осон, бу айниқса, қонунчилик билан тартибга солиш қийин бўлган соҳаларда фойдали бўлади<sup>51</sup>. Ишончли ва ўзгармас регистрлар туфайли, тадбиркорлар ўз корхоналарини ва корпоратив активларга эгалик қилишни рўйхатдан ўтказиши, товар захиралари ва мажбуриятларини бошқариши, шунингдек, уч карралик бухгалтерия ҳисоби ёки блокчайндаги бошқа иловалар учун дастурий таъминот ёрдамида бошқа молиявий кўрсаткичлардан фойда олиши мумкин, бу эса аудиторлар, солиқка тортиш бўйича мутахассисларга бўлган эҳтиёжни анча камайтиради. Смарт-шартномалар туфайли тадбиркор компания фаолиятининг кўплаб жиҳатларини автоматлаштириши мумкин, чунончи: харидлар, меҳнатга ҳақ тўлаш, кредит бўйича фоиз, реал вақт режимида молиявий аудитни амалга ошириш. Ҳозирги даврда кўпчилик мутахассислар электрон тижорат ривожланишининг келажак истиқболлари билан жуда ҳам қизиқадилар, чунки агар бунга эътибор берилмаса, ҳар қандай бизнес ҳам келажакда янги турдаги бизнес моделларнинг тезкорлик билан ривожланиши оқибатида норентабел бўлиб қолиши ёки барбод бўлиши мумкин. Бу масала бўйича энг ишончли манба соҳа профессионалларнинг фикрларини ўрганишdir. Маҳсулотларни икки соатда етказиб бериш, сунъий интеллектдан ҳамда дронлардан фойдаланиш каби алоҳида муваффақиятни сунъий интеллект дан ҳамда дронлардан фойдаланиш каби алоҳида муваффақиятларга қарамай, бу соҳадаги узоқ муддатли муваффақият тезкор ривожланишини таъминлаб берадиган бозор имкониятларини тушунишга асосланган бўлади. Электрон бизнесда муваффақиятга эришган ва эришмаган компаниялар амалиётини таҳлил қилинганида уларнинг бошқарувидайўл қўйилган бир қанча холатларни билиб олиш мумкин бўлади: Электрон бизнесда узоқ муддат давомидаги

<sup>51</sup> Euroasian Business of Law, Finance and Applied Science халқаро журналида “Рақамлаштириш орқали бизнесни ривожлантириш” мавзусидаги Хуррамов Холбек Хуррам ўғлининг мақоласи 182 бет

муваффақиятни инновационечимлар, етарли миқдордаги инвестициялар ва компаниянинг узоқ муддат давомида ўз фаолиятини бир текис юрита олиши таъминлаб беради. Агарда компания қандайдир сабабларга кўра ўсиш учун имконият топа олмаса, ташки мухит ўзгаришларига дош бераолмай, муваффақиятизликка учрайди. Юқори рақобатли бозорга чиқилганида мижозларни ушлаб туриш учун жуда кучли реклама компаниясини ташкил эта олмаслик ҳам компания ишининг орқага кетиши ва унинг хонавайрон бўлишига олиб келиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда рақамли бизнес моделлари ташкилотларга мижозлар эҳтиёжларини ноёб усуллар да қондириш учун технологиялардан фойдаланиш имконини беради. Ушбу усуллар рақобатчилик мухитини яратади ва молиявий барқарорликни таъминлайди. Ягона тўғри ёки нотўғри бизнес модели мавжуд эмас, бироқ танланган модел бизнеснинг келажакдаги салоҳиятига катта таъсир кўрсатади. Компания мижозлари ва жамоаси рақамли бизнес моделини ишлаб чиқиш ҳақида қанчалик кўп ўйласа, рақамли имкониятлардан максимал даражада фойдаланиш имконияти шунчалик кўпаяди.

### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. Euroasian Business of Law, Finance and Applied Science халқаро журналида “Рақамлаштириш орқали бизнесни ривожлантириш” мавзусидаги Хуррамов Холбек Хуррам ўғлининг мақоласи 180 бет
2. Гулямов С.С. ва бошқалар, 2019 йил, “Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари” Тошкент шаҳри, Иқтисод Молия нашриёти 396 бет
3. Digital 2019: Global digital overview. Value of creation and capture: implications in developing countries, UNCTAD, 2020
4. Abdullaevich, A. O., & Abdulazizovich, K. U. B. (2023). The Importance of Infrastructure in Facilitating the Business Environment. Journal of Survey in Fisheries Sciences, 10(2S), 3695-3702.
5. Abdulazizovich, K. U. B. (2023). Improvement Of Information About Accounts Receivable In Current Assets In The Balance Sheet Based On International Standards. Journal of Survey in Fisheries Sciences, 10(2S), 2849-2859.

6. Xolmirzaev, U. B. A., & Madaliev, M. R. (2023). MOLIVIY HISOBOTLARNING QAYTA KO 'RIB CHIQILISHIDA XALQARO TALABLARGA RIOYA ETILISHI ZARURLIGI. Educational research in universal sciences, 2(3), 424-432.
7. Abdulazizovich, K. U. B., & Tursunpolatovna, N. N. (2023). Improving Reflection Of Information About Cash And Equivalents In The Accounting Balance Sheet On The Basis Of International Standards. Journal of Survey in Fisheries Sciences, 10(2S), 2107-2114.
8. Abdulazizovich, X. U. B. (2023). XALQARO QOIDALAR ASOSIDA QIMMATLI QOG'OZLAR HISOBINI TAKOMILLASHTIRISH.
9. Kholmirzaev, U. B. A., & Ubaydullayev, T. A. (2023). IMPROVING THE CLASSIFICATION OF FINANCIAL ASSETS ACCORDING TO THE ECONOMIC CONTENT. Educational Research in Universal Sciences, 2(1), 203-209.
10. Qutbiddinovich, S. I., & Abdulazizovich, X. U. B. (2023). GAAP ASOSIGA QO'YILGAN MOLIYAVIY HISOB KONTSEPTSIYALARI. Interpretation and researches, 1(3), 42-50.
11. Abdulazizovich, K. U. (2022). IMPROVING METHODOLOGICAL APPROACHES TO FINANCIAL ASSET ACCOUNTING. INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES ISSN: 2349-7793 Impact Factor: 6.876, 16(4), 56-62.
12. Холмирзаев, У. А. (2022). ҚИСҚА МУДДАТЛИ ҚИММАТЛИ ҚОФОЗЛАРНИ АНАЛИТИК ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. Архив научных исследований, 2(1).
13. Abdulazizovich, K. U. IMPROVING THE REFLECTION OF MONEY AND CASH EQUIVALENT IN THE ACCOUNTING BALANCE. Dear Academicians & Research Scholars, 55.
14. Ubaidullaev, T. A., & Ibrogimov, S. H. ogli. (2023). CHARACTERISTICS OF MANAGING THE ACTIVITY OF BUILDING MATERIALS MANUFACTURING ENTERPRISES. Educational Research in Universal Sciences, 2(2), 308–317. Retrieved from <http://erus.uz/index.php/er/article/view/1736>
15. Иброгимов, Ш. Х., & Жалолхонов, З. Ж. (2022). ОСОБЕННОСТИ РАСЧЕТА ИЗДЕРЖЕК ПРОИЗВОДСТВА В ХОЗЯЙСТВЕННЫХ ФЕРМАХ. Экономика и социум, (5-2 (92)), 466-472.
16. O'G'L, I. S. X. (2021). Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби. NamMTI ilmiy-texnika jurnali.
17. Ibrogimov, S. (2021). DIGITAL ECONOMY AND FACTORS OF ITS DEVELOPMENT IN THE CONDITIONS OF PANDEMIC IN THE REPUBLIC OF

UZBEKISTAN. INTERNATIONAL ENGINEERING JOURNAL FOR RESEARCH & DEVELOPMENT.

18. Иброгимов, Ш. (2022). ПРОМЫШЛЕННОЕ ПРОИЗВОДСТВО НАМАНГАНСКОЙ ОБЛАСТИ ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ. Экономика и социум, (2-2 (93)), 634-640.

19. O'G'LlI, I. S. X. (2022). TENDENCIES OF INDUSTRIAL DEVELOPMENT IN NAMANGAN REGION. INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES.

20. Abdulazizov, K. U., Sherzod, I., & Abdulkhodinevna, S. M. (2022). IMPROVING THE METHODOLOGICAL BASIS OF ACCOUNTING FOR FINANCIAL ASSETS. INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11, 34-39.

21. Ogli, I. S. H., & Oglu, O. I. A. Peculiarities of the Development of Industrial Production in Namangan Region. Volume, 9, 544-547.

22. <https://www.kpi.com/uz/blog/2022/04/30/raqamli-transformatsiya-biznesingiz-uchun-asosiy-strategiyalar/> интернет сайтидаги Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта бизнес учун рақамли трансформация